

---

1-сектор раҳбари, туман ҳокими “Каримобод” маҳалласида сайёр қабулда

Бугун, 10 декабр куни Ўзбекистон тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Қахрамонжон Джураевнинг “Каримобод” маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабули ўтказилди.

Унда маҳалла аҳли ҳамда тумандаги тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.



Очиқ мулоқот тарзида ўтган қабулда фуқароларнинг ўндан ортиқ муурожаатлари тингланиб, уларга ижобий ечим топиш бўйича чоралар белгиланди. Мазкур муурожаатларнинг аксарияти кўча чироқлари сонини кўпайтириш, электр трансформатори қувватини енгиллатиш, маҳалла учун спорт анжомларини олиш, суюлтирилган газ балонлари билан таъминлашнинг муддатлари, мактаб ва таълим ташкилотига қабул қилиш учун электрон навбат, бандликни таъминлаш ва моддий ёрдам олиш каби масалаларга оид бўлди.

---

Сайёр қабулда ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмади. Уларнинг баъзилари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, қолганларининг ижроси бўйича масъуллар бириктирилиб, бажарилиш муддатлари белгиланди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-12-10 22:39:41